

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
РЕСПУБЛИКА «МАҲАЛЛА» ЖАМҒАРМАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ БАНКИНИНГ
ҚАРОРИ

444 Ишламаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа таъинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил
21 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1112-2*

(2012 йил 1 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 7 июндаги 165-сон «Ижтимоий нафақалар таъинлаш тартибини янада такомиллаштириш ҳамда оилаларнинг жами даромадлари янада тўлиқ ҳисобга олинишини таъминлаш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 23-24-сон, 259-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Республика «Маҳалла» жамғармаси ва Халқ банки **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Республика «Маҳалла» жамғармаси,

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.

Халқ банкининг 2002 йил 8 февралдаги 11/501, 32, 16 ва 8-сонли қарори (рўйхат рақами 1112, 2002 йил, 14 март) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 йил 5-сон) билан тасдиқланган «Ишламаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги низомга иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири**

А. ХАЙТОВ

Тошкент ш.,
2012 йил 29 август,
49-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2012 йил 29 август,
63-сон

**Республика «Маҳалла»
жамғармаси бошқаруви раиси**

А. АХМЕДОВ

Тошкент ш.,
2012 йил 29 август,
225-сон

**Халқ банки
бошқаруви раиси**

Н. НАЗАРОВ

Тошкент ш.,
2012 йил 29 август,
08-10/234-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.